

МАСКАН ОТЛАРИНИНГ ДЕРИВАЦИОН ХУСУСИЯТЛАРИ

ф.ф.н., доц.З.Ўроқова,

Қашқадарё ВХТХҚТМОИ

Тил ва адабиёт таълими кафедраси мудури

Ўзбек тилшунослигида деривация масаласи турлича, аниқроғи, икки хил талқин этилади. Аввало, бу термин ўзбек тилшунослигида янги бўлиб, замонавий талқинлардагина ўз ифодасига эга. “Лингвистик қомусий луғат”да қуйидагиларни ўқиймиз: “Деривация (лат. Derivatio-ажралиш (отведение); ясалиш (образование)-бир тил бирлиги (дериватлар) асосида бошқасининг вужудга келиши, жўн ҳолатда ўзакнинг аффиксация асосида “кенгайиши ёки сўзларнинг жипслашуви, қўшилуви бўлиб, инчунун у сўз ҳосил қилишига ёхуд ҳатто сўз ясашга тенглаштирилади.

Кенг маънода деривация сўз ўзгариши (inflection) ва сўз ясалиши (wordformation), шунингдек, асос бирлик ёрдамида изоҳланадиган ёхуд ундан маълум бир қоидалар, операциялар асосида келтириб чиқариладиган ҳар қандай иккиламчи тил белгиси, шунингдек, гап ҳосил қилиш жараёнининг атовчи сифатида тушунилади.

Деривация жараёнида асос бирлигининг шакли (структураси)семантикаси ўзгариб кетади. Мазмуний планда белгини янги маънода, янги вазифада қўллашга, ёки эскисини қайта қуриш ёки ўша мақсадда бошқаси билан қўшишга қаратилган бўлади.

Ўтган асрнинг 30-йилларида Е.Курилович томонидан тилшуносликка олиб кирилган деривация тушунчасида лексик ва синтактик жиҳатлар фарқланди. Олим лексик деривация деганда асос бирлик замирида янги луғавий маъно ҳосил қилиш, яъни сўз яшаш (иш-ишчи)ни синтактик деривация дегандаёса фақат синтактик вазифа ўзгаришини тан олади (тилло-қимматбаҳо металл (эга),тилло соат (аниқловчи). Ана шундай фарқлашлар натижасида сўз доирасидан ташқарига чиқиш ҳоллари кенгайди ва деривация трансформация йўли билан ядровий қурилма асосида ҳар хил синтактик қурилмалар тузиш тусига ҳам эга бўлди. Масалан, теримчилар пахта термоқда, пахта теримчилар томонидан терилмоқда, теримчилар томонидан териляётган пахта синтактик қурилмаларида биринчи нутқий бирлик (теримчилар пахта термоқда) синтактик дориват бўлиб, кейинги икки қурилма трансформация йўли билан вужудга келган ҳосилалардир.

Асос ва ҳосила орасида “ўсиб чиқувчилик” ёхуд “асос бўлувчилик”, умуман олганда, ворисийлик муносабати деривацион муносабат дейилади. Маълум бўладиги деривация термини ўзбек тилшунослигида ҳам икки хил маънода:

а)сўз ясалиши;

б)синтактик ҳосилаларнинг вужудга келиши

маъноларида ишлатилмоқда. Биринчи маъносида атамани тилшунослигимизнинг субстанциал тадқиқ йўналиши фаол қўллаётган бўлса, иккинчи маъносида синтактик деривация ва трансформация масаласида

тадқиқ олиб бораётган профессор Н.Турниёзов ва унинг шогирдлари томонидан тадқиқ этилмоқда.

Биз учун муҳими лексика деривация бўлиб, бугунги кунда тилшунослигимизда нега у сўз ясалишига муқобил равишдаги атама моҳиятига эга бўлди, ёнги деривация ва сўз ясалиши ҳақиқатан ҳам мутлоқ муқобил терминларми? Қуйида ушбу масала хусусида сўз юритилади.

Юқорида номлари зикр этилган дастур муаллифлари деривация атамасини тўла қўллайдилар. Қуйида буни асословчи бир парчани диққатингизга ҳавола этамиз: “Деривация (сўз ясалиши) ва унинг тил қурилиши тизимидаги ўрни”.

Дастурдаги “Деривация назарияси” мавзуси остида фақат сўз ясалиши, сўз яшаш қолиплари, содда ва қўшма сўз яшаш қолиплари, ясама ва сўзлардаги ихтисослашиш, соддалашиш ва тублашиш жараёнлари ҳақида сўз юритилади. Демак, дастурда деривация атамаси сўз ясалиши атамасининг “замонавий кўриниши сифатида талқин этилади.

Ушбу дастур асосида яратилган илк ўқув қўлланмаларидан бўлган Б.Менглиевнинг “Ҳозирги ўзбек адабий тили” китобида деривация атамасини сўз ясалиши атамасидан кенгроқ маънода, яъни, сўз ясалиши, унинг диахрон ва синхрон турлари, сўз яшаш усуллари каби масалалар билан шуғулланувчи тилшунослик соҳа сифатида қарашга интилиш сезилади-ю, бироқ муаллиф барибир дастур қолипидан ва анъанавий талқинлардан чиқиб кетолмайди. Бироқ йўл-йўлакай, қатъиятсиз бўлса-да, айтилган “тилда лексема яшаш ҳодисаси йўқ, балки ясама сўзларнинг, нутқий ҳосилаларнинг лисонийлашуви, лексемалашуви ҳодисаси мавжуд деган фикрларидан деривация нафақат сўз ясалишини, балки нутқий ҳосилаларнинг лисонийлашувини ҳам ўз ичига қамраб олишини таъкидлашга интилиш мавжудлигидан кўз юмиб бўлмайди.

Ўзбек тили сўз ясалишига доир бой манбаларда унинг қуйидаги турлари фарқланади:

- А) аффиксация;
- Б) композиция;
- Г) лексик-семантик;
- Д) фонетик.

Бундан ташқари, янги лексемалар вужудга келишининг транспозиция, конверсия усуллари борлиги ҳам тегишли манбаларда қайд этилади. “Ўзбек тили сўз ясалиши” капитал асари муаллифи А.Ҳожиёв ўзбек тили сўз ясалиш усуллари ҳақида сўз юритар экан, сўз ясалиши деганда, қандай усул (йўл) билан бўлса ҳам, янги сўз (лексема) ҳосил бўлишини таъкидлайди. Муаллиф “Сўз ясалишининг асосий усуллари деб кўпчилик томонидан тан олинаётган ва лингвистик адабиётларда қайд этилаётган усуллар қуйидагилар:

1) семантик усул; 2) фонетик усул; 3) синтактик-лексик усул; 4) аффиксация усули; 5) композиция усули; 6) аббревация усули эканлигини баён қилади (29-бет). Бу даврда лисон ва нутқ изчил фарқланмаганлиги сабабли муаллиф фикрларида сўз ва лексема ўзаро бир-бирини қопловчи тушунчалар сифатида талқин қилинади.

Олим сўз ясалиш усуллари хусусида фикр юритар экан, “кўриб ўтилган беш хил сўз ясалиш усулларидаан учтасининг семантик (лексик-семантик), фонетик ва синтактик-лексик усул деб аталиши тил ҳодисасига кўра, кейинги икки усулнинг аталиши эса сўз ясалиши материалига кўра яъни аффикс воситасида ясалиш усули аффиксация лексема қўшиш йўли композиция усули деб аталишини (31) айтиб, дастлабки уч ҳодисани лисонийлашув, кейинги икки усулни эса сўз ясалиши сифатида қайд этади. Чунки “семантик (лексик-семантик) фонетик ва синтактик-лексик усуллар билан ясалган сўзлар эса диахрон сўз ясалишига киради. Чунки, масалан, семантик, синтактик-лексик усул билан ҳосил бўлган сўзлар, биринчидан тил тараққиёти профессининг маълум бир этапларида юзага келади. Иккинчидан, бундай сўзлар ясовчи компонентларга эга бўлмайди. Бинобарин, уларга нисбатан сўз ясалиши структураси ҳақида гапириш ҳам мумкин эмас. Шунингдек, бундай ясалишларда сўз ясалишининг типи, сўз ясалиш маъноси, умуман, сўз ясалиш системаси каби ҳодисалар ҳам бўлмайди. Чунки, юқорида кўриб ўтганимиздек, сўз ясалиши баҳсининг объектив сўз ясалиши мотивациясига эга бўлган ясама сўзлардир. Ана шу ўзига хосликни ҳисобга олиб, бу уч усулга нисбатан сўз ясаш усули эмас, балки сўз ҳосил бўлиш йўли. (Шунга кўра, деривация атамаси бугунги кунда ўзбек тилшунослигида сўз ясалиш атамаси остида қориштирилаётган сўз ясалиши ва сўз ҳосил бўлиши тушунчаларини ифодалаб, сўз ясалиши терминини анъанавий аталмишларидан бирини (ясовчи воситалар ва лисоний деривацион қолип асосида янги нутқий ясама сўзларни вужудга келтиришни) гина аташга хослайди.

Ўзбек тили лексик тизимида деривацион ҳодисанинг икки кўринишидан бири диахрон (сўз ҳосил бўлиши) ва иккинчиси (сўз ясалиши) синхрон ҳодиса сифатида кенг тарқалгандир. Бу айниқса, маскан отлари луғавий-маъновий гуруҳида ўзига хос хусусиятлари билан алоҳида ажралиб туради.

Маскан отлари тизимида бугунги кунда (хона) аффикси воситасида “Хизмат кўрсатиш техник воситасини ифодаловчи от+хона=ўзакдан англашилган техник хизмати кўрсатиш масканини ифодаловчи от” лисоний-деривацион қолипи воситасида ясалган қатор нутқий бирликлар вужудга келиб фаол лексикага тегишли бўлганлиги сабабли, уларнинг лисонийлашуви жараёни кучаяётганлиги яққол кўзга ташланмоқда: *компьютерхона, серверхона, интернетхона, дендихона, ўлчовхона* (примерочная) каби.